O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
CHIRCHIQ SHAHAR
H O K I M I

Х О К И М
ГОРОДА ЧИРЧИК
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Q A R O R
Р Е Ш Е Н И Е

2019 yil "19" 04 **522-son** **Chirchiq shahri**

Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Реепубликасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Реепубликасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 342-сонли қарори, шаҳар ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳамда Чирчиқ шаҳар ҳудудида яшовчи шаҳар аҳолисидан тушган бир қатор мурожаатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙҲХ бўлимининг 2019 йилнинг 6 март кунидаги 48-сонли хабарномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Чирчиқ шаҳар ҳудудида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Чирчиқ шаҳар, А.Навоий-Заковат кўчалари кесишган чорраҳа яқинига 1 та 3.27-«тўхташ тақиқланган», Бобур кўчасида жойлашган «Деҳқон бозори» кириш қисми олдига 1 та 3.27-«тўхташ тақиқланган», Менделеев кўчасига 1 та 3.1-«кириш тақиқланган», Заковат-А.Навоий кўчалари кесишган чорраҳа яқинидаги автобекат олдига 1 та 3.27 - «тўхташ тақиқланган», Заковат кўчаси 3-сонли мактаб олдига 2 та 3.4-«юқори тезлик чекланган 50 км/соат», В.Қодиров кўчаси «Макро» савдо маркети ёнига 1 та 3.27 - «тўхташ тақиқланган», Ботаника кўчаси бошига 1 та 3.4-«Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган», П.Юсупов кўчаси бошига, яъни, 9-сонли мактаб томонига 1 та 5.5-"бир томонлама ҳаракатли йўл" ҳамда П.Юсупов кўчасиниг нариги бошига, яъни "Офицерлар саройи" томонига 1 та 3.1-"кириш тақиқланган" йўл белгилари ўрнатилишига ҳамда Бобур кўчаси «Деҳқон бозори» яқинига ўрнатилган 1 та 3.28-«тўхтаб туриш тақиқланган» йўл белгисини 3.27-«тўхташ тақиқланган» йўл белгисига алмаштиришга рухсат берилсин.

3. «Чирчик» ва «Чирчиқ тонги» газеталари таҳририяти мазкур қарорни газета саҳифаларида расман эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙҲХБ У.Юсуповга юклатилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимлиги қурилиш, транспорт, ободонлаштириш, коммунал хўжалиги ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосари Х.Э.Ашуров зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **К.Б.Рашитов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
CHIRCHIQ SHAHAR
HOKIMI

ХОКИМ
ГОРОДА ЧИРЧИКА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Q A R O R I
Р Е Ш Е Н И Е

2019 йил «27» февраль 215-сон Chirchiq shahri

Шахар худудидаги транспорт воситаларини 2019 йилда мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) асосан, туман худудидаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказишни таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳар Ички ишлар бўлимининг Автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмаси шаҳар худудидаги транспорт воситаларини мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

2. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур

банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди, (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари).

3. Мазкур Қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 март — 30 июнда;

иккинчи марта — 1 сентябрь — 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2019 йил 1 мартдан — 30 июнга қадар ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2019 йил 10 мартдан — 31 августга қадар ўтказилади.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситаларини 2019 йилги техник кўригидан ўтказиш буйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасаларда давлат автотранспорт воситаларини 2019 йилги техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Х.Ашуров) ва Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Чирчиқ шаҳри вакилига:

2019 йил 1 март кунига қадар йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари билан ҳамкорликда, юридик шахслар раҳбарларини жалб этган ҳолда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ҳамда уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин;

транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида шаҳар Ички ишлар бўлими Автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан

фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилинишининг назорати бўлинмаси, мудофаа ишлар бўйича шаҳар бўлими вакиллари ва юридик шахсларнинг мухандис-техник ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузсин;

Шаҳар Ички ишлар бўлими Автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилинишининг назорати бўлинмаси билан биргаликда фаолияти тугатилган, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасалар тасарруфида бўлган транспорт воситаларини, тиркамаларни ярим тиркамаларни аниқлаш ҳамда уларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги 294-сон "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 9-сон, 64-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон "Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларини тасдиқлаш хақида"ги қарорлари (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламлари, 2003 й., 21-сон, 204-модда) талабларини ижросини таъминлаш, йўловчиларга самарали транспорт хизмати ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, тумандаги барча тижорат асосида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар тасарруфидаги, ишлаб чикарилган йили 2006 йилгача бўлган автобус ва кичик автобусларнинг мажбурий техник кўриги Чирчиқ шаҳридаги ИИБ ЙХХБ қарашли кўрик майдончасида ўтказилиши такшиллаштирилсин.

8. Шаҳар Ички ишлар бўлимининг тегишли хизматлари ходимлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган автомототранспорт воситаларини тўлиқ мажбурий техник кўрикдан ўтказилишини таъминласин.

9. Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвалига асосан автобус ва кичик автобусларни мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича юридик шахслар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилсин.

10. Ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган автобус ва кичик автобуслардан фойдаланиш таъқиқлансин.

11. Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари мажбурий техник кўрик бошланишидан камида 10 кун олдин

вилоят Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармасининг туманлараро рўйхатлаш ва имтихон олиш бўлинмасига (ТРИБ) мавжуд транспорт воситалари хақидаги маълумотларни таққослаш учун тақдим этсинлар ва уларга техник кўрик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

12. “Кафолат” Давлат акциядорлик суғурта компанияси Чирчиқ шаҳар бўлими (Д.Миразиков), шаҳар Ички ишлар бўлими Автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилинишининг назорати бўйича бўлинмаси билан ҳамкорликда мажбурий транспорт воситасининг суғуртаси тўловларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундириш чораларини кўрсин.

13. “Чирчиқ тонги”, “Чирчик” газеталари муҳарририяти (С. Яминова, Д.Иминахунова)ларга:

транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий гарови эканлигини тарғиб қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Чирчиқ шаҳар хокимининг 2018 йил 15 февралдаги 245-сон “Шаҳар ҳудудидаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

16. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Х.Ашуров) зиммасига юклатилсин.

Шаҳар хокими в.в.б. **Д.Юлдашев**